2012 йил 19 январь, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 13 (12.074)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

***Мамлакатимизда ёшларнинг пухта билимга эга бўлиши, келажакда олий ўқув юртларига кириб таълим олишида академик лицейларнинг роли беқиёсдир. Ҳозирда юртимизда кўплаб академик лицейлар фаолият кўрсатиб, уларда тажрибали педагоглар, етук мутахассислар ўқувчиларга сабоқ беришмоқда.***





## ЁШ ИҚТИДОРЛАР МАСКАНИ

Жумладан, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги Чилонзор академик лицейида 2011-2012 ўқув йилида 40 та гуруҳда 1222 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Уларга умумтаълим фанлар бўйича жами 84 нафар профессор-ўқитувчилар таълим-тарбия беришаяпти.

— Таълим масканида иқтидорли ўқувчилар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилган. 2010-2012 ўқув йилида фан олимпиадаларининг 1-босқичида лицейдан жами 394 нафар ўқувчи иштирок этди, шундан энг иқтидорли 14 нафар ўқувчи танлаб олиниб, туман босқичига ва 8 нафари чуқурлаштирилган фанлар бўйича ва бир ўқувчи тўғридан-тўғри шаҳар босқичига йўлланма олди, — дейди мазкур академик лицей директори Дилмурод Расулов. — Фан олимпиадаларининг шаҳар босқичида иштирок этган ўқувчиларнинг 7 нафари фахрли ўринларни эгаллаган. Амалий география фанидан Дилором Аъзамова, рус тили фанидан Мария Терешова биринчи ўринга сазовор бўлиб, олимпиаданинг республика босқичига йўлланмани қўлга киритдилар.

Лицейда илмий-тадқиқот ишлари билан барча профессор-ўқитувчилар мунтазам шуғулланиб келмоқда, илмий соҳада яхши натижаларга эришилган. Профессор-ўқитувчиларнинг илмий изланишлари ва салоҳияти йилдан-йилга ошиб бормоқда. 2009 йилда 62 номда ўқув-услубий тавсияномалар ва қўлланмалар чоп этилган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 74 тани ташкил этди. 2011 йилнинг ўн ойида 14 та қўлланма нашр қилинган. Бундан ташқари академик лицейда ўқувчиларнинг хорижий тилларга бўлган қизиқишини ошириш, инглиз тилини чуқур ўргатиш ва нутқини ривожлантириш мақсадида 1-босқич ўқувчиларини танлов асосида гуруҳларга ажратиб тажриба-синов ўтказиш режалаштирилди. Инглиз тили кафедраси ўқитувчиларининг изланиши ва уларнинг саъй-ҳаракатлари билан барча фанлар ўқув дастурлари ва режалари ҳамда 9 та фандан маъруза матнлари инглиз тилига таржима қилинди ва йиғма жилдлар тайёрланди.

Эътиборлиси, ўқув масканида 10 та аудиторияда ҳомийлар томонидан янги стол ва стуллар, китоблар жавони ҳамда замонавий педагогик технологиялар бўйича дарсларни ташкил этиш мақсадида компьютер ва видеопроекторлар ўрнатилди. Шунингдек, лицейнинг барча ўқув хоналари замон талабига мос равишда таъмирланди. Шуни ҳам қайд этиш керак, таълим масканида спорт ишлари жуда яхши йўлга қўйилган. Лицей ўқувчиси Жаҳонгир Аъзамов спортнинг таэквандо тури бўйича 2 карра Ўзбекистон чемпиони, бир неча марта спорт мусобақалари совриндори, 2011 йил апрель ойида АҚШнинг Елизабетта шаҳрида ўтказилган чемпионатда фахрли 1-ўринни эгаллади. Лицейда ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларнинг билим самарадорлигини ошириш мақсадида 27 та тўгарак фаолият олиб бормоқда. Мазкур тўгаракларнинг 18 таси фан тўгараклари, 9 таси спорт тўгаракларидан иборат бўлиб, улар доимо ўқувчилар билан гавжум.

Ёшларнинг чуқур ва пухта билим олиши, қолаверса мавжуд тўгаракларга қатнаши учун ушбу ўқув масканида яратилган шундай шарт-шароитлар, кенг имкониятларга ҳар кимнинг ҳаваси келади. Зеро истиқлол фарзандлари бўлган ёшларимиз мустақил Ўзбекистонимизнинг мустаҳкам пойдеворидирлар.

**Дилором ИКРОМОВА**
**Козим Ўлмасов олган суратлар**

## «ЖАҲОН САЙЁҲЛИК МАРКАЗЛАРИДАН БИРИ БЎЛИШ УЧУН ЎЗБЕКИСТОНДА УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР МАВЖУД»

***Голландиянинг Утрехт шаҳрида Бенилюкс мамлакатлари минтақасида энг нуфузли халқаро сайёҳлик анжумани ҳисобланадиган «Vakantiebeurs 2012» ярмаркаси бўлиб ўтди.***

Ушбу йирик сайёҳлик ярмаркаси 85 минг квадрат метр саҳнни эгаллади. «Vakantiebeurs 2012» ярмаркасида дунёнинг 150 мамлакатида фаолият кўрсатадиган 2 мингдан зиёд сайёҳлик компаниялари қатнашди. Унда айниқса, Европа Иттифоқи, Шимолий ва Жанубий Америка мамлакатлари компаниялари фаол иштирок этдилар.

Сайёҳлик операторлари томонидан таклиф қилинадиган саёҳат йўналишлари, меҳмонхоналар ва чипталар буюртмаси сингари кенг қамровли маълумотлар ярмарканинг расмий каталогидан жой олди. Улкан кўргазма иншоотининг марказига ўрнатилган ахборотлар пештахтаси мазкур ярмарка ишида қатнашаётган сайёҳлик компанияларининг реклама-ахборот материалларига жуда бой бўлди.

«Vakantiebeurs 2012» ярмаркасида Ўзбекистон бўйлаб ўзига хос ва қизиқарли саёҳат йўналишлари Голландия ҳамда Бельгиянинг қатор таниқли сайёҳлик компаниялари томонидан таклиф қилинди. Улар ўзларининг чиройли безатилган ранг-баранг реклама материалларида қуёшли ўлкамиз ҳақидаги, мамлакатимизнинг бой тарихий-маданий мероси ва меъморий ёдгорликлари тўғрисидаги маълумотларни европалик сайёҳлар эътиборига ҳавола этдилар.

Европа сайёҳлик компаниялари раҳбарларининг айтишларича, Буюк Ипак йўли бўйлаб саёҳат бугунги кунда Бенилюкс мамлакатлари сайёҳлари ўртасидаги энг оммабоп йўналишлардан бири ҳисобланади.

*(Давоми 2-бетда)*

## Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 20 йиллигига

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакилларининг меҳнат қилиши, дам олиши, ўқиб-изланиши, ўз салоҳиятини кенг намойиш этиши ҳамда миллий қадрият ва анъаналарини ривожлантириши учун катта имкониятлар яратилди. Бу борада амалга оширилаётган улкан ишлар мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элат вакилларининг жонажон Ўзбекистонни ягона Ватан деб билиши, қадрлаши, миллатлар ва динлараро тотувликни, юрт тинчлигини таъминлашда муҳим омил бўлаётир.***

## БИЗ — БИР ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

**Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 20 йиллиги олдидан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбирлари мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари билан суҳбатда бўлди.**

**Олег СКУРИДИН, «Светлица Польска» Республика поляк маданият маркази раиси:**

– Менинг киндик қоним ўзбек заминига тўкилган. Мактабни тамомлагач, Ўзбекистон Миллий университетининг фалсафа факультетида таҳсил олдим. Шу ерда оила қурдим, икки фарзандим бор. Ўзбекистон – она Ватаним, бутун ҳаётим, эришган муваффақиятларим шу муқаддас юрт билан боғлиқ. Катта қизим ҳам турмушга чиқиб, фарзандли бўлди. Ҳозир оиласи, севган касби бор. У ҳам биз каби ҳаётидан мамнун. Шуни ишонч билан айта оламанки, Ўзбекистонни бир кўрган, унинг бир пиёла сувини ичган киши унга бир умр боғланиб қолади.

Ўзбекистонда барча миллат вакиллари тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга. Турли миллат ва элатлар вакилларининг ўз тарихини ўрганиши, тилини, маданияти ва санъати, урф-одатлари ва анъаналарини ривожлантириши учун қулай шароит яратилган. Бу борада давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан қаратилаётган улкан ва доимий эътибор бизни ғоят қувонтиради ва руҳлантиради.

*(Давоми 2-бетда)*

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Фанлар академиясида Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 20 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон мустақиллиги — миллатлараро муносабатлар ривожида янги давр» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

✓ **ТОШКЕНТ** Кимё-технология институтида «Ёшларда инновацион фикрлашни шакллантириш ва ташаббускорликни қўллаб-қувватлаш» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

✓ **ТОШКЕНТ** юридик коллежида «Она Ватаним — фахрим ғуруррим» шиори остида ўқувчиларни ватанпарвар, юртига садоқатли бўлиш руҳида тарбиялашга қаратилган маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

## XXI аср садоси

*Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижон вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига ўтган йили 33 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Хусусан, Пахтаобод туманининг Муаззинбой қишлоғида «Пахтаобод нотўқима» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилиши билан 52 киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 150 миллион сўм сарфланди. Ўтган қисқа муддатда жамоа томонидан 263,6 миллион сўмлик калава ип ишлаб чиқаришга эришилди.

● Фарғона шаҳрида оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ролини мустаҳкамлашга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Фарғона ҳудудий бўлинмаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилди.

● Чимбой тумани марказидаги йирик гидроиншоот реконструкция қилиниб, ер ости сувини йиғиб берувчи хориж технологияси ўрнатилди. Кунига 10 минг метр куб сув етказиб берувчи мазкур қурилмани ишга туширишга 1 миллиард 800 миллион сўм йўналтирилди. Натижада туман марказида истиқомат қилувчи 47 минг нафар аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган талаби қондирилди.

### ЖАҲОНДА

● «Emami Design» компанияси компьютер ихлосмандларига яна бир янгиликни туҳфа этди. Бу «Loopo» дея номланган флешка (маълумотлар сақлаш қурилмаси)-дир. Уни исталган буюмга, хусусан, қўл телефони, калит ёки ҳамён каби буюмларга тақинчоқ (брелок) сифатида осиб юриш мумкин. Бундан ташқари, ундан бўйинга тақиладиган занжирларга зийнат тош сифатида фойдаланса ҳам бўлади. Муҳими, митти қурилма сумкасиз юрадиганлар учун ортиқча юк ҳисобланмайди.

● Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, дунё иқтисодиётида 2012 йилда 2,5, 2013 йилда эса 3,1 фоизлик ўсиш кузатилади. Илгари мазкур молия муассасаси бу борадаги кўрсаткичларни бир оз юқорироқ, яъни 3,6 фоиздан бўлишини тахмин қилганди. Жумладан, ривожланаётган давлатларда юксалиш суръатлари 6,2 фоиздан 5,4 фоизгача қисқартирилган. Ривожланган мамлакатларда эса бу рақам, бор-йўғи, 2,4 фоизни ташкил этиши билдирилган. Шуларга мос равишда глобал савдо ҳажми 6,6 фоизга эмас, балки 4,7 фоизгача кўтарилиши қайд қилинган. Тахминларни ўзгартиришга евроҳудудда давом этаётган инқироз ва жаҳон молия тизимидаги беқарорлик сабаб бўлган.

● Шу пайтгача саёҳатчилар сафар чоғида зарур қурилмаларни электр энергияси билан зарядлашдан қийналиб келишарди. Чунки тоғу тошларга сафар уюштирилган вақтда бундай мосламани топиш осон эмасда. Эътиборли жиҳати, энди сайру саёҳатни хуш кўрувчилар ушбу муаммодан қутуладиган бўлдилар. Чунки яқинда АҚШда ғилдиракларнинг айланишидан электр энергияси тўплайдиган чамадон яратилди. У орқали ток билан ишлайдиган қурилмаларни бемалол қувватлантириш мумкин.

● Халқаро валюта жамғармаси ташкилотга аъзо мамлакатларга кредит ресурслари миқдорини бир триллион АҚШ долларига кўпайтиришни таклиф қилди. «Bloomberg» ахборот агентлигининг хабарига кўра, бу маблағ Европада таназзул чуқурлашиб бораётган бугунги шароитда дунё молиявий тизимини барқарорлаштиришга сарфланади. Жамғарма капиталнинг асосий қисмини нефть экспорт қилувчи йирик давлатлардан сўрашни режалаштирмоқда. Шу йил февраль ойида Мехико шаҳрида ташкил этиладиган «Катта йигирматалик» давлатлари молия вазирлари учрашуви чоғида бу борада сўнгги қарорга келинади.

# «ЖАҲОН САЙЁҲЛИК МАРКАЗЛАРИДАН БИРИ БЎЛИШ УЧУН ЎЗБЕКИСТОНДА УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР МАВЖУД»

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ярмарка иши доирасида «Жаҳон» ахборот агентлигининг мухбири Европа сайёҳлик компанияларининг айрим вакиллари билан мулоқотда бўлди.

**Нидерландиядаги «DJOSER» сайёҳлик компаниясининг директори Херман Ван Дер Велде**нинг маълум қилишича, унинг компанияси Ўзбекистон бўйлаб саёҳат йўналишларини европаликларга таклиф қилиб келаётганига 10 йилдан зиёд вақт ўтди. У қайд этганидек, кейинги йиллар давомида Европа сайёҳлари орасида мамлакатимизга бўлган қизиқиш сезиларли даражада кучайган.

«Жаҳон сайёҳлик марказларидан бири бўлиши учун Ўзбекистонда улкан имкониятлар мавжуддир», деди «DJOSER» сайёҳлик компаниясининг раҳбари.

**Нидерландиянинг машҳур «Eurocult-Lito Reizen» компанияси директори Пауль Альберс** ҳам Ўзбекистондаги Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент сингари кўҳна шаҳарларнинг маданий-тарихий ёдгорликлари, ўзбек халқининг бой ва ўзига хос урф-одат ҳамда анъаналари, жумладан, очиққўнгиллиги ва меҳмондўстлиги, шунингдек, тотли миллий таомлари бутун дунё сайёҳларини ўзига оҳанрабодек жалб этишини алоҳида таъкидлади. Унинг маълум қилишича, ярмарка ишининг биринчи куниёқ компанияга жорий йили Ўзбекистон бўйлаб саёҳатга чиқиш истаги билдирилган кўплаб буюртмалар келиб тушди.

**«Жаҳон» АА
Нидерландия**

## Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 20 йиллигига



# БИЗ — БИР ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Шу кунларда Республика байналмилал маданият марказининг 20 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган байрам тадбирларида ўз жамоамиз билан куй-қўшиқларимиз ва рақс дастурларимизни намойиш этиш учун қизғин тайёргарлик кўряпмиз.

**Кокяб АЛИЕВА, Озарбойжон миллий маданият маркази фаоли:**

– Ўзбекистонда 1949 йилдан буён яшайман. Касбим – балетмейстер. Ҳозир болаларга рақсдан сабоқ беряпман.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, ўсиб келаётган ёш авлодни Ватанга муҳаббат, юртга садоқат, миллий истиқлол ғояларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни жисмонан ва маънан баркамол инсонлар этиб вояга етказиш мақсади мужассамдир.

Ўзбекистонимизда истиқомат қилаётган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари сингари биз, озарбойжонларнинг ҳам тинч-тотув яшашимиз, меҳнат қилишимиз учун барча шароит ва имкониятлар яратилганидан беҳад мамнунмиз. Бу жиҳатлар марказимиз фаолиятида ҳам яққол намоён бўлаётир.

**Зинаида СОЛОВЕЙ, Республика украин маданият маркази бошқаруви аъзоси, Ўзбекистон Республикаси халқ артисти:**

– Ўзбекистон ҳақида сўзлаганимда, қувончдан кўзларимга ёш келади. Кўплаб мамлакатларда бўлганман, бироқ ҳеч ерда ўзбек халқидек меҳмондўст, оққўнгил, бағрикенг ва меҳр-оқибатли инсонларни учратмаганман. Бу ажиб диёрнинг илиқ тафти қаерга бормай, мени яна ўзига оҳанрабодек чорлайверади. Ҳеч қандай муболағасиз айта оламанки, Ўзбекистоннинг ҳар бир қарич ери мен учун муқаддас. Бу мамлакатда яшаётганимдан, унинг фуқароси эканимдан жуда мамнунман.

Президент Ислом Каримов раҳнамолигида миллатлараро тотувликни таъминлашга катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Бу ерда тили, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, барча миллат ва элатлар вакилларининг аҳил-иноқ яшаши учун барча шароит яратилган, ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланаётир.

Дунёнинг турли мамлакатларида можаро ва тартибсизликлар рўй бераётган бугунги мураккаб шароитда серқуёш Ўзбекистонимизда тинчлик ва барқарорлик ҳукм сураётгани биз учун катта бахтдир. Мусаффо осмонимизга ҳеч қачон қора булут ораламасин, жонажон Ўзбекистонимизга кўз тегмасин!

**Ўразмурад ГУРБАНОВ, Республика туркман маданият маркази раиси:**

– Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 20 йиллигига бағишланган тадбирларда туркман миллий куй ва рақслари билан иштирок этишни режалаштиряпмиз. Туркман маданият марказининг турли вилоятларда еттита бўлими мавжуд.

Ўзбек ва туркман халқларининг урф-одатлари, маданияти бир-бирига ўхшашдир. Биз Ўзбекистонда бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшаяпмиз.

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатлар вакиллари, жумладан, туркман миллати вакилларига кўрсатаётган улкан эътибори ва ғамхўрлиги учун Президентимиз Ислом Каримовдан беҳад миннатдормиз.

**Мадина УМАРОВА,
Ирода УМАРОВА
ёзиб олди**

***«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали учун «Ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлагани учун» махсус сертификати билан тақдирланди.***

# ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲА ЭЪТИРОФИ...

Ижодкор болаларни кашф этиш, санъатнинг турли йўналишларини қўллаб-қувватлаш «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. «Янги авлод» республика болалар ижодиёти фестивали юртимиздаги истеъдодли болаларни кашф этиш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган жамғарманинг энг йирик лойиҳаларидан биридир. Ўтган 8 йил мобайнида фестиваль 98 мингдан зиёд болаларни кашф этди. Фестиваль лойиҳаси қатор мамлакатларнинг ижодкор шахслари, санъатшунослик, таълим соҳаси экспертларининг юксак ижобий баҳосига муносиб топилган. Танлов асосида Тошкент ва Самарқандда болалар ижодиёти марказлари очилган бўлиб, у ерда кичкинтойлар санъатнинг турли йўналишлари бўйича бепул таҳсил олишади.

Ҳар йили баҳорда жажжи болажонлар учун жамғарма «Болажонлар-ширинтойлар» болалар мода фестивалини ташкил этади. Унда мамлакатимиз бўйлаб дизайнерлар ва модель сифатида кичкинтойлар иштирок этишади. Болакайларнинг яна бир севимли байрами – «Болалик шарафига» хайрия бали ҳар йили «Аёллар кенгаши» Республика жамоат бирлашмаси томонидан ўтказилади. Лойиҳа Меҳрибонлик уйларини қўллаб-қувватлаш учун маблағ тўплашга қаратилган.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ва «Меҳр нури» жамғармалари томонидан ўтказиладиган Таълим грантлари ҳамда Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастурини мамлакатимиз абитуриентлари ва талабалари жуда яхши билишади. Таълим грантлари олий ўқув юртида шартнома пулини тўлаш, стипендиялар дастури эса жамғарманинг қўшимча ойлик стипендиясига эга бўлиш имкониятини беради.

Жамғарманинг аксарият лойиҳалари хайрия характерига эга бўлиб, у болаларни миллий маданиятимиз, бой тарихимизга жалб этиш орқали ёш истеъдод эгаларини кашф этиб, келгусида уларни қўллаб-қувватлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари комплекси томонидан жамғарманинг «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали «Ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлагани учун» махсус сертификати билан тақдирланиши таҳсинга сазовордир. Бу жамғармани янада фаол ишлаши ва келгусида янги-янги лойиҳалар устида изланишига хизмат қилади.

**Азима Қиёсова,
«Туркистон-пресс»**

## Касаба уюшмаларида

# МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИГА БАҒИШЛАНДИ

***Айни кунларда пойтахтимизнинг барча туманларида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамкорлигида меҳнаткашлар манфаатлари йўлида ишлаб чиқилган «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунни ўрганишга бағишланган ўқув-семинар машғулотлари ўтказиб келинмоқда. Хозирга қадар ана шундай тадбирлар Бектемир, Миробод ҳамда Мирзо Улуғбек туманларида бўлиб ўтди.***

Ўқув семинарларини ташкил этишдан асосий мақсад корхоналарда жамоа шартномаларини тузиш билан боғлиқ билимларни янада ошириш, меҳнат шароитларини яхшилаш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, санитария-гигиена талабларига жавоб берувчи иш ўринларини яратиш, ходимларни дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан ўтказиш, аёллар ва вояга етмаган фуқароларнинг меҳнат муҳофазаси ҳолатини ўрганиш борасида тавсиялар бериш, шунингдек ходимларнинг меҳнат вазифаларини бажариш жараёнида жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши сабабларининг олдини олиш борасида кўрсатмалар бериш ва шу орқали уларга амалий ёрдам кўрсатиш назарда тутилган.

– Шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этилаётган барча семинарларда корхона ва ташкилотларда ижтимоий-иқтисодий масалалар билан бир қаторда, меҳнат муҳофазаси масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлим мудири Равшан Муҳамадалиев. – Бунда корхона ва ташкилотлар ишчи-хизматчиларга хавфсиз иш шароитларининг яратилиши устидан давлат меҳнат техник инспекторлари назоратини кучайтириш, жамоа шартномаларида кўзда тутилган маблағларни ажратиш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, шаҳар корхоналари ва ташкилотларида Меҳнат кодекси, меҳнатни муҳофаза қилиш меъёрлари ва қоидаларига риоя этиш бўйича, боқувчисини йўқотган шахсларга товон пулларининг ўз вақтида тўланишини доимий равишда назорат қилиб бориш ва бошқа масалалар юзасидан ўз олдиларига мажбуриятлар олганлар. Шунга қарамай айрим корхона ва ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига етарли даражада эътибор қаратилмаётгани аниқланган. Ушбу камчиликларни бартараф этиш мақсадида тармоқларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича етакчи мутахассислари томонидан тақдимномалар берилган ҳамда кўрсатилган камчиликларнинг бартараф этилганлиги тўғрисида маълумотномалар олинмоқда.

Айни кунларда ўтказилаётган барча тадбирларда шуларга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, белгиланган вазифаларни жойларда босқичма-босқич амалга ошириб бориш давом этади.

**Садоқат АСЛАНОВА**

***Очиқ акциядорлик-тижорат «Алоқабанк» раҳбарияти ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида турли танловлар ўтказишни йўлга қўйди. «Талабаларнинг энг яхши инновацион лойиҳаси» танлови ҳам кўплаб иқтидорли ёшларни аниқлаш имконини берди.***

# ҒОЛИБЛАРГА СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ушбу беллашувда олий ўқув юртлари талабалари ҳам фаоллик кўрсатдилар. «Турли ассортиментдаги пойабзал кремлари ишлаб чиқариш» деган лойиҳа тақдим этилди. Тошкент Ахборот технологиялари университети томонидан тавсия қилинган бу ишланма юқори баҳоланди.

Тошкент Давлат техника университети иқтидорли ёшлари олиб борган изланиш эса «Замонавий уйларни лойиҳалаш» деб номланди. Тошкент Давлат иқтисодиёт университети талабалари яратган лойиҳа «Хазонларни қайта ишлаш орқали тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш» деган муаммо ечимига қаратилди.

Ғолибларга сертификатлар топширилди ҳамда «Алоқабанк» томонидан грант бериш бўйича шартномалар тузилиши эълон қилинди.

**Акбар АЛИЕВ**

## Иқтисодиёт

# МОЛИЯВИЙ КЎМАК АСОСИДА

***Мамлакатимиздаги қулай инвестиция муҳит, хорижий ишбилармонларга яратилган ҳар томонлама шарт-шароитлар ҳамкорликдаги қўшма корхоналар сафи кенгайиб, замон талабларига мос харидоргир, импорт ўрнини босувчи ва шунинг баробарида халқаро андозаларга жавоб берадиган экспортбоп маҳсулот турлари ортишида катта аҳамият касб этмоқда.***

Бир неча йилдан буён муваффақиятли фаолият кўрсатаётган «Art Disayn Plast» Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонасида ҳам тадбиркорларнинг ҳамкорликдаги изланишлари самара бермоқдаки, бу харидорларга манзур бўлаётган импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотларда ёрқин ифодасини топмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўтган йилда корхона мутасаддилари хорижий шериклар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаган ҳолда банкнинг молиявий кўмаги асосида янги технологик линияларни ишга туширди. Бунинг натижасида эса ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулот турлари ортишига эришилди.

Корхонанинг малакали мутахассислари томонидан цехларда илғор технологияларни қўллаган ҳолда тайёрланаётган дераза ва эшиклар учун пластик профиллар, эшик ва девор панеллари четдан келтирилаётган ҳудди шундай маҳсулотлар билан бемалол рақобатлаша олади. Цехларда ишлаётган 50 нафардан зиёд мутахассиснинг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилгани боис ҳам тайёрланаётган маҳсулот сифати талабга тўла жавоб беради.

Жорий йилда янги лойиҳалар устида изланишлар олиб бораётган тадбиркорлар ишлаб чиқариш ҳажмини икки бараварга оширишни режалаштирган бўлиб, мамлакатимизда кенг кўламда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларига муносиб ҳисса қўшишади. Шунингдек, қўшимча иш ўринлари яратиш ҳам кўзда тутилмоқда.

# МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ГАРОВ БЎЛМОҚДА

***Илғор технологияларни ишлаб чиқаришда самарали қўллаш муваффақиятларга ҳақиқий омил бўлмоқдаки, бунинг натижасида замонавий, халқаро андозаларга мос маҳсулотлар билан ички бозор таъминланмоқда. Шунингдек, четга рақобатбардош товарлар сотилиб, экспорт ҳажми ҳам ортиб бормоқда.***

Ички бозорни харидоргир маҳсулотлар билан таъминлаш баробарида сифатли товарларни четга чиқаришни режа қилиб иш бошлаган «Elif Texnik» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонада изланишлар яхши самара бермоқда. Бу импорт ўрнини босувчи маҳсулот турлари йилдан-йилга ортиши, буюртмачиларнинг ҳам кўпайишида кўринмоқда.

Корхона цехларида малакали мутахассисларнинг маҳорати билан мувофиқлик сертификатига эга бўлган барча транспорт воситалари ҳамда темир йўл вагонларида қўл келадиган тормоз колодка ва накладкалари тайёрланади. Цехлардаги Англия, Туркия ва Хитой давлатларидан келтириб ўрнатилган технологик жиҳозлар бу борада уларнинг энг яқин мададкори ҳисобланади.

Буюртмаларнинг тез ва соз бажарилиши, талаб ва таклифлар инобатга олиниши харидорлар сафини оширмоқда. Ҳозирда Олмалиқ ва Навоий кон-металлургия комбинатлари, «ЎзОсиётранс», Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, кўплаб трамвай деполари, Тошкент метрополитени сингари корхона ва ташкилотларга маҳсулотлар етказиб берилмоқда. Сифатга доимий эътибор қаратилаётгани эса бундай буюртмачиларни жалб этишда асосий омил бўляпти.

Айни пайтда корхонада 20 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Маҳсулот турлари 30 хилга яқинни ташкил этади. Янги йилдан бошлаб эса замонавий технологияларни қўллаган ҳолда яна кўплаб турдаги автомобиллар учун колодка ва накладкалар тайёрлаш кўзда тутилмоқда. Албатта, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, бунинг учун юртимизда тадбиркорларга берилаётган имкониятлардан омилкорлик билан фойдаланиш, маҳсулотларнинг бир қисмини қўшни давлатларга сотиш асосий мақсадлар сирасига киради.

# ТУРЛАРИ ОРТМОҚДА

***Дастурхонимиз кўрки бўлган, тўю тадбирларимизга файз бағишлайдиган қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда юксак унумли хорижий технологик линиялар қувватидан унумли фойдаланилаётгани ўз самарасини бермоқдаки, бугунги кунда уларнинг турлари ортиб, сифати юқорилаб бормоқда.***

Ана шундай ширинликларни тайёрлаш ва қадоқланишига алоҳида эътибор қаратишда «FAYZ DEKOR BISNES» қўшма корхонаси тадбиркорларининг изланишларини таъкидлаш ўринли. Корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар халқаро талабларга мослиги ва юқори даражада қадоқланиши билан чет эллик харидорларга ҳам манзур бўлмоқда. Шу боис ҳам уларга қўшни Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон сингари давлатлардан буюртмалар тушмоқда.

Хориждан келтирилиб, цехларга ўрнатилган юксак унумли қадоқлаш дастгоҳлари ва бошқа технологик ускуналар маҳсулот сифатини таъминлаш ҳамда турларини кўпайтиришда қўл келмоқда. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида корхонани техник жиҳозлаш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Айниқса, тадбиркорлар томонидан илғор технологияларга асосланиб ишлаб чиқарилаётган «Файз», «Люкс», «Премиум» сингари шоколад-конфетлар таъми ва алоҳида дизайни билан истеъмолчиларга манзур бўляпти. Шунингдек, бир неча турдаги плиткали шоколадлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

Ўтган йилни муваффақиятли якунлаб, ички бозорда муносиб ўрин эгаллаган корхона аҳли, жорий йилда ҳам шериклар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаган ҳолда ўз нуфузини ошириб, харидорларга янги-янги ширинлик турларини тортиқ этиш ниятида.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

